АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Оилангизга тинчлик, хотиржамлик, жамиятимизга юксак тараққиёт, осойишталик, файзу барака тилаб, “Оила ва жамият” газетасига обуна давом этаётганини маълум қиламиз. 25 йил давомида сизнинг дилдошингиз бўлган газетамиз билан 2017 йилда ҳам бирга бўласиз деган умиддамиз.

Обуна индекси – 176

Оила соглом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Оила ва Жамият

40 (1295)-сон 5 октябрь 2016 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

КУЗ ХАЁЛЛАРИ

Дилшод ШАМС

Кузги боғлар аро сокин кезаётган инсоннинг кўнглидан не хаёллар кечади? Йўлларни тўлдирган хазонлар умрнинг югурик шитобига ишора этадими? Ёки орзу-умидларимиз ижобати ёхуд армонларнинг қисматидан шивирлайдими кузги боғлар?

Умр — баҳор билан кузнинг бир-бирига чўзилган қўлларига солинган кўприкка қиёс этилса, эртанги зангор фасл ниятларини ўйлаётгандир бу новдалар... Инсон баъзан сокин лаҳзаларни қўмсаб қолгани каби, кузги саболардан ҳаловат топаётгандир бунда дарахтлар... Ёхуд, аксинча, қайноқ қуёшнинг тафтини қаҳратоннинг қатронларига алишгиси келмаётгандир улар... Ҳар нечук табиатнинг бор синовларига мардона турғувчи мағрур дарахтлар бағрида ҳаёт ёлқини яшамоқда. Шу ёлқин бор экан, аёзлар писанд эмас бу дарахтларга...

Кузги боғлар аро сокин кезаётган инсон шуларни ўйлар, эҳтимол... Одамзот умрининг чинор умрига қиёс этилиши, тўғрироғи, инсонга чинор умри тилашининг боиси янада теранроқ аён бўлар... Кузги боғларга тикилгани сайин хаёллари чуқурлашиб, ўз қалби билан холи қолиб, ўзлигини излар инсон... Ўз-ўзини яхшироқ тушунар, кўнгил саволларига жавоб истар... Кўнгил билан идрокнинг унсиз суҳбати кечаётган онлардир булар...

Ҳа, кузнинг ҳикматлари кўп.

Бироқ, энг муҳими, бу тўкин ва донишманд фаслда файласуфга айланиб қолгандек сезади ўзини инсон. Қалби ва умри, бахти, эртаси ҳақида ўйлайди. Элу юрти, Ватани, фарзандларининг нурли истиқболини тилайди.

Шу кунларга етганига шукур қилади.

Кузги боғлар — кўҳна ва буюк ҳақиқатларни яна бир бор ёдга солади. Шоир айтган «бир пари фасл» бу! Шу боис ҳам, кузги боғлар аро кезаётган инсон атрофга қараб, ҳар гал ниманидир кашф этгандек бўлади.

Бундаги хаёллар эса ҳамиша покликка, гўзалликка, абадиятга дахлдордир.

Ушбу сонда

ҚИШЛОҚДА ТУРМУШ МАДАНИЯТИ...

4-бетда

ҚАРШИ ДЎХТИРНИНГ ҲИКОЯСИ

– Тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар, шаҳару қишлоқлар аҳолиси баҳраманд бўлаётган тиббий хизматлар ўша даврларда бўлганда борми, – дейди Қарши ота, – қанча-қанча одамларнинг ҳаёти сақлаб қолинган, умрига умр қўшилган бўларди.

6-бетда

УМР САВДОСИ

Таассуфки, аёл билан аёл, эркак билан эркак ўзаро никоҳ қуриб яшашига расман йўл бераётган давлатлар бор. Йигит билан қиз ёки эркак билан аёл қонуний никоҳдан ўтмай бемалол яшаб юраверадиган мамлакатлар бор. Умр савдосини бу тахлит олиб борадиганлар ҳеч қачон ҳақиқий яхшиликка етишолмайди. Чунки жинсий ҳаётга бундай масъулиятсиз муносабат ҳеч бир динда ҳалол ҳисобланмайди.

7-бетда

ПОМИДОР НЕГА ҚИММАТ?

Айни пайтда Тошкент шаҳридаги “Korzinka.uz”, “Kasbino”, “Sunday” сингари йирик супермаркетларда помидор 4000-5800 сўм, бозорларда эса 4-6 минг сўмдан сотилмоқда.

8-бетда

БИРОВГА ЯХШИЛИК ҚИЛГАН ОДАМГА, АЛБАТТА, ЯХШИЛИК ҚАЙТАДИ, ЎЗИГА ҚАЙТМАСА БОЛАСИГА, НАБИРАЛАРИГА ҚАЙТАДИ.

ВАТАНГА МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛАМИЗ!

Биз таҳсил олаётган Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси ва 2009 йил 27 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилган. Бир оз ортга қайтиб, 2009 – 1994 йилларга назар ташласак, автомобилсозлик соҳасида бошланган улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўламиз. 1996 йилда Андижон вилоятининг Асака шаҳрида автомобиль ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод қурилиб фойдаланишга топширилди. Ўша пайтдан то ҳозирги кунга қадар халқимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилаётган, шунингдек, хорижий мамлакатларга экспорт қилинаётган автомобиллар мана шу завод мутахассислари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Жанубий Корея ва Ўзбекистон томонидан ташкил этилган ушбу завод АҚШнинг General Motors корхонаси билан ҳамкорликни йўлга қўйгач, малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж янада кучайди. Шундан сўнг Президентимиз ташаббуси билан юқори малакали мутахассисларни ўзимизда тайёрлаб берадиган университет Италия билан ҳамкорликда ташкил этилди. Бу эса мен каби ёшларга янги имкониятлар эшигини очиб берди – биз дунё тан олган энг нуфузли олий ўқув юртининг талабаси бўлиш бахтига мушарраф бўлдик. Бунинг учун биринчи Президентимиз Ислом Каримовдан беҳад миннатдормиз, у кишининг биз ёшларга бўлган эътиборини, ғамхўрлигини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаймиз, ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз. Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиш учун бор куч ва билимимизни аямаймиз. Келажакда шу юрт равнақи, гуллаб яшнаши йўлида хизмат қиламиз. Юртбошимизнинг "Бировга яхшилик қилган одамга, албатта, яхшилик қайтади, ўзига қайтмаса боласига, набираларига қайтади. Бу фикр, бу юзни айниқса энди катта ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз унутмасдан, умр бўйи бунга амал қилиб яшаса, ҳеч қачон кам бўлмайди", деган ҳикматли сўзлари биз учун ҳаётимиз давомида дастуриламал бўлади. Биз у кишининг биз ёшларга қилган яхшиликларини ҳеч қачон унутмаймиз.

Мен айни пайтда Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг саноат-қурилиши ва архитектура факультетида таҳсил оляпман. Ўқишни битиргач, архитектура ва қурилиш соҳасида фаолият юритишни мақсад қилганман. Давлатимиз ишлаб чиқариш ва саноат соҳасини ривожлантираётган бир пайтда завод ва саноат корхоналарини лойиҳалаштириш ва уларда қулай меҳнат шароитини яратиш ҳамда жаҳон стандартларига мос равишда бунёд этилишига масъулият билан ёндашишни, университетда олган билимларимни ҳаётга татбиқ этишни бош мақсадим деб биламан.

Гулнозахон ТЎХТАХОНОВА,
Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети
II босқич талабаси

Ораста ва оқила қизлар

Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан "Маҳалланинг энг ораста қизлари" республика анжуманини ўтказилди.



"12 йиллик мажбурий таълим – менинг саодатим учун" шиори остида ташкил этилган ушбу анжуманда "Ораста қизлар" тўгараклари аъзолари, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, фаол хотин-қизлар иштирок этди.

Мамлакатимизда қизларни 12 йиллик бепул, узлуксиз таълим билан тўлиқ қамраб олиш, уларнинг соғлиғи ҳақида қайғуриш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, иқтидори ва лаёқатини юзага чиқаришга оид эзгу чора-тадбирлар йил сайин кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. 2011 йилда юртимиздаги ўқув муассасалари қошида "Ораста қизлар" тўгараклари ташкил этилди. Мақсад болалар, ўсмирлар ва ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини тўғри шакллантириш, экологик ва тиббий маданиятни юксалтиришдан иборатдир. Ушбу тўгараклар эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, никоҳ ёшидаги қизларга оила муқаддаслиги, оилавий қадриятлар ҳақида кенг тушунча беришдек мақсадларга хизмат қилмоқда. Тўгараклар нафақат тиббий, балки ғоявий-маърифий тарғибот ишларини ҳам олиб бораётгани қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оила, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини янада юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг 39-бандида "Ораста қизлар" тўгараклари ишини жонлантириш, қизларнинг ҳуқуқий, тиббий маданиятини ошириш, уларни касбга ўргатиш, миллий қадриятлар, кекса авлодни эъзозлаш руҳида, юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, ғоявий таҳдидлардан ҳимоялаш, кийиниш ва муомала маданиятини тўғри шакллантириш масалалари муҳим вазифа сифатида белгиланган.

"Маҳалланинг энг ораста қизлари" кўрик-танлови айни мақсадга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Лойиҳанинг туман (шаҳар) босқичлари июнь ойида, ҳудудий босқичлари июль-август ойларида ўтказилиб, унда 250 мингдан ортиқ қиз иштирок этди. Танловда қатнашиш учун умумтаълим мактабларининг 8-9 синф ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган қизлар жалб қилинди. Жойларда бўлиб ўтган "Ораста қизлар давраси" кўрик-танловларида ёшларга оид ислоҳотларнинг аҳамияти, маънавий жабҳадаги кенг кўламли чора-тадбирлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга оид тамойиллар кенг ва атрофлича тушунтирилди.

– Бугунги кунда юртимизда қиз болаларнинг таълим олиши, спорт билан шуғулланиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча зарур шароит яратилган, – дейди Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 22-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Дилёрахон Турғунбоева. – Халқимизга муносиб фарзанд бўлиш имкониятлардан самарали фойдаланиш бизнинг бурчимиздир.

Танловнинг республика босқичида 193 нафар қиз 14 та жамоага бўлинган ҳолда қатнашди. Жамоаларнинг "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури, ёшларга оид давлат сиёсати, хотин-қизлар, болалар спортини ривожлантириш юзасидан қилинаётган ғамхўрликнинг кўлами ва моҳияти ҳақидаги билимлари синовдан ўтказилди. Иштирокчилар томонидан танланган мавзулар бўйича видеолавҳалар тайёрланиб, қизларнинг унга муносабати, атрофлича шарҳи ва таҳлиллари ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этилди.

Жамоалар 14 та номинация бўйича баҳоланиб, уларга Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан маърифат, маънавиятга етакловчи муҳим манба – илмий ва бадиий, оммабоп китоблар ҳамда ўз ҳудудларида тарғибот ишларини олиб бориш вазифаси юклатилган сертификатлар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назокат Усмонова,
Ёлқин Шамсиддинов
(сурат), ЎзА

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди жорий йилнинг ўтган даври мобайнида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти, Жанубий Кореянинг "Save the Children" халқаро фонди, Жанубий Корея халқаро соғлиқни сақлаш KOFIH фонди, "Vision Care Servise" ва "Siloam Center for the Blind" хайрия ташкилотлари, Ewha Womans University, Severance University, Ин Ха ва Пундан Ча Университетлари госпиталларида туғма юрак нуқсони, терининг куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа ташхислар билан хасталанган юртимиздан борган бемор болаларни бепул соғломлаштиришда ўзининг зарурий кўмагини бериб келмоқда. Туғма ортопедик касалликларга чалинган болаларни даволаш, куйишнинг асоратлари бўлган кичкинтойларда пластик операцияларни амалга ошириш албатта келгусида болакайнинг жамиятнинг соғлом аъзоси бўлиб шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди бемор болаларни чет элнинг нуфузли клиникаларида даволанишини ташкил этиш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқди ва бу босқичма босқич амалиётга жорий этилмоқда. Шу йилнинг 28 сентябридан то 8 октябригача бўлган вақт оралиғида Фарғона шаҳридаги вилоят болалар кўптармоқли тиббиёт марказида юз соҳасидаги туғма ва куйишдан кейинги асорати, юқори лаб ва қаттиқ танглайнинг туғма нуқсонлари бўлган андижонлик ва наманганлик болалар туркиялик малакали шифокорлар томонидан умумий чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилаётир. Оғир деб топилган бемор болалар жарроҳлик йўли билан соғломлаштирилаяпти. Мақсад жисмонан кемтик ва руҳан кўнгли ўксик болажонни жамиятнинг соғлом зурриёдига айлантиришдир.

Ифтихор СИДДИҚОВ

АНДИЖОНДА ТЕРИМЧИЛАР УЧУН КЎНГИЛОЧАР ТАДБИРЛАР УЮШТИРИЛМОҚДА

Андижон вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тарғибот гуруҳлари пахтакорлар ҳузурида бўлиб, маданий-маърифий тадбирлар, қизиқарли учрашувлар ўтказмоқда.

"Қудратимиз бирлик ва ҳамжиҳатликда" шиори остида ташкил этилаётган бундай тадбирлар теримчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришига хизмат қилмоқда.

– Вилоятда тўртта, шунингдек, барча туманларда тарғибот гуруҳлари шакллантирилган, – дейди Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Аббосбек Исроилов. – Таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар ва олимлардан иборат ушбу гуруҳлар жадвал асосида вилоятнинг барча туманларида тадбирлар ўтказмоқда, концерт дастурлари намойиш этаётир. Хусусан, Улуғнор, Андижон, Жалақудуқ ва Бўз туманларида бўлиб ўтган шундай тадбирларда ёш эстрада хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар теримчиларга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ

Мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда аёлларимизнинг ўзига хос заҳматлари бор. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган аёлларимизнинг мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларни турли кўнгилсиз ҳодисалардан муҳофаза қилиш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш ҳамда асоратларини ўз вақтида бартараф қилишда фаол иштирок этаётганидан кўнгиллар фахр ҳиссига тўлади.

ҲАР БИР КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИДАН ТАНЛАБ ОЛИНГАН ҚИЗЛАР ЎЗ БИЗНЕС ЛОЙИҲАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРДИ.

“ДОВОН МАЛИКАСИ”

ёхуд қутқарувчи-халоскор хотин-қизлар

ФВВ тизимида кўп йиллардан буён хизмат қилаётган, ҳарбий формаси жуссасига ярашиб турган, мард, шижоатли, юз-кўзларидан меҳр нури таралиб турадиган аёллар ҳам бор. Улар қутқарувчи-халоскорлар билан ёнма-ён хизмат вазифасини ўтаб, фуқаролар муҳофазасини таъминлашдек ўта масъулиятли, шу билан бирга савобли ва хайрли юмушларни сидқидилдан бажариб келмоқдалар. Меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, рўйхатга олиш ва бошқа ёзувчизув ишларининг аксарияти хотин-қизлар томонидан амалга оширилмоқда. Чунки энг шарафли ва масъулиятли вазифалардан бири – нажоткор ва халоскор қутқарувчиларимизнинг ишини мувофиқлаштириб туришда уларнинг ўзига хос хизматлари мавжуд. Бундан ташқари, молия-иқтисод, ҳисоб-китоб ишларининг пишиқ-пухта олиб борилишини ҳам оқила, зукко аёлларимизнинг меҳнатисиз тасаввур этиш қийин. Айниқса, алоқа тармоғида фаолият кўрсатаётган эпчил, зийрак ва ҳушёр, лобар хотин-қизларимизнинг хизматлари таҳсинга сазовордир.

Вазирлик ташкил этилгандан буён сабот ва матонат, сабр-қаноат билан ишлаётган аёлларимиз ҳам талайгина. Улар шу соҳада узоқ йиллар ҳарбий хизматчилар билан ёнма-ён ишлаб, муайян тажриба тўпладилар. Энг муҳими, ўзларининг ҳар жиҳатдан фаолликлари ва ширинсуханликлари билан барчанинг назарига тушиб улгурдилар десак муболаға бўлмайди.

– Қутқарувчи-халоскорлар билан бир сафда туриб хизмат қилаётганимдан ғоят фахрланаман, – дейди “Олмос” алоқа тармоғи катта оператори, оддий аскар Барнохон Иноятова. – Ёшлигимдан форма кийиб, ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қилардим. Мана, ниятимга эришдим.

–Барнохон опа Иноятова билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, – дейди Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бошқармаси катта офицери, майор Йўлдош Жўраев. – Бағрикенг, камтарин, оқила аёл. Кўп йиллар шу даргоҳда орттирган билими ва тажрибасини янги келган ҳамкасбларига қунт билан ўргатишдан чарчамайди.

Сержант Нодирахон Умарованинг ФВВ тизимида хизмат қилаётганига 15 йилдан ошди. Айни пайтда вазирликнинг фавқулодда вазиятларда бошқарув марказида навбатчи оператор вазифасида хизмат бурчини астойдил адо этиб келмоқда.

Алоқа ва хабар бериш тармоғи вазирликнинг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади. Нодирахоннинг хизматдошлари радио-телефонистлар – кичик сержантлар Оксана Шевченко, Оксана Степченко ва оддий аскар Юлия Ҳамидовалар ҳам ўз соҳасини мукаммал ўзлаштирган тажрибали аёллардан. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Кадрлар ва шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси масъул ижрочиси, кичик сержант Иқболхон Усенова ходимлар билан ишлашда анча тажриба орттирган бўлса, вазирлик тиббиёт хизмати фельдшери, оддий аскар Хуршида Убайдуллаева ҳарбий хизматчиларнинг саломатлигидан ҳамиша хабардор.

“Қамчиқ” қидирув-қутқарув отрядида ҳам хизмат қилаётган жасоратли хотин-қизларнинг борлиги ибрат тимсолидир. Назирахоннинг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида хизмат қилаётганига мана ўн тўрт йилдан ошди. Айни кунларда сержант Назира Худойбердиева Фавқулодда вазиятлар вазирлиги “Қамчиқ” қидирув-қутқарув отряди фельдшери лавозимида самарали хизмат қилиб келмоқда. Тоғ шароитида довондаги халоскор-қутқарувчиларимиз билан хизмат вазифасини барабар адо этиш ҳар қандай аёлнинг ҳам қўлидан келаверадиган юмуш эмас.

У хизмат фаолияти мобайнида А-373 “Тошкент-Ўш” автомобиль йўлининг “Қамчиқ” довони қисмида аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда, шунингдек, содир бўлган йўл транспорт ҳодисаларида жабрланган фуқароларга тез тиббий ёрдам кўрсатиб, фуқароларнинг ҳаётини сақлаб қолишда ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашда ҳарбийлар билан ёнма-ён хизматга киришиб, ўзининг бор куч ва маҳоратини ишга солиб келмоқда.

Назира Худойбердиева ўз билим ва тажрибасини иш фаолиятида қўллаб, хизмат вазифаларини астойдил бажаришда масъулиятлилиги ва қатъияти билан касбдошларидан ажралиб туради. Хизмат фаолияти давомида 10 дан ортиқ ёш қутқарувчиларни тайёрлаб уларга устозлик қилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам, “Қамчиқ” қидирув-қутқарув отряди халоскорларининг Назирахонни “Довон маликаси” дея таърифлаши бежиз эмас, албатта.

ФВВ “Қамчиқ” Қидирув қутқарув отряди фельдшери сержант Назира Худайбердиеванинг кўп йиллик фидойи хизматлари беиз кетмади. Ўтган йили Президентимиз Фармонига мувофиқ у “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланди.

Она-Ватанга содиқ, ўз сўзида собит, юрт шуҳратига шуҳрат қўшадиган, маънан юксак, нодир салоҳият эгаси бўлган фарзандларни тарбиялаш барча аёлларимиз, оналаримизнинг олий ниятидир.

Азамат СУЮНОВ,
журналист

МУҲЛИСАНИНГ СИРЛИ ЛОЙИҲАСИ

MENING BIZNES G‘OYAM

Мухлиса билан бундан бир-икки ой аввал, ёш тадбиркорлар семинарида танишган эдик. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган «Менинг бизнес ғоям» танловининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритган бу қиздан бизнес-ғояси, уни амалга ошириш учун мавжуд имкониятлар ҳақида сўраб-суриштира бошладим.

– Ҳовлимизда иссиқхона ташкил қилмоқчиман, фақат одатий иссиқхона эмас, уч қаватли бўлади...

– Уч қаватли?

– Ҳа. Бир вақтнинг ўзида уч хил маҳсулот етиштириш мумкин унда, лойиҳам тайёр.

Мухлиса негадир лойиҳаси ҳақида батафсилроқ тўхталишни истамаётган эди. Мен учун эса бу маълумотлар етарли эмасди. Ёнида турган устозлари бу ҳолатни сезишди шекилли, мени имлаб, чақиришди. «Узр, қизимиз лойиҳаси ҳақда ҳеч кимга батафсил маълумот бермаяпти. Бу қизнинг ғоялари жуда яхши, лекин уни амалда ўзи бажаргиси келяпти. Кейинги пайтларда ёшларнинг бизнес-ғоялари ҳақда эшитиб, уни ўзлаштириб олаётганлар ҳам борлигини билгач, бу ҳақда кам гапирадиган бўлди. Қолаверса, бу қизнинг феъли шунақа – бирор ишни бошласа уни амалга оширгандан кейингина у ҳақда гапиради, хафа бўлманг»...

Мен эса аксинча, хурсанд бўлдим. Сабаби, икки-уч йил аввал коллеж битирувчилари билан бизнес-ғоялари, бошламоқчи бўлган тадбиркорлиги ҳақида сўраб-суриштирганимизда баъзилари бу ҳақда худди имтиҳонда ўтиргандек бурро-бурро жавоб беришга ҳаракат қилар, яна бирлари кўпам тушунчага эга эмаслигини билдириб қўярди. Бугун ёшлар тадбиркорлик фаолиятини аниқ мақсад ва режалар билан бошлаётгани, лойиҳасини муҳофаза этиб, шаҳд билан ишга киришаётгани ҳақиқатан ҳам қувонарли.

Орадан анча муддат ўтгач, Мухлиса билан яна учрашдим. У «Менинг бизнес ғоям» танловининг республика босқичида ғолиб бўлибди. Иссиқхона қурилиши ташвишлари билан югуриб юрган экан.

– Банкдан 12 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олдим, – дейди Пахтачи туманидаги автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежини битирган Мухлиса Мардонова. – 6 сотих ерда 10Х30 ҳажмда иссиқхона қурилишини бошлаб юбордик. Иссиқхонада турли шарт-шароитларни талаб қилишига қарамай, қўзиқорин, ҳар хил сабзавотлар кўчатлари, қулупнай бир вақтнинг ўзида етиштиришни режалаштирганмиз. Махсус технология ва парваришни ташкил қилиш орқали бунга эришмоқчимиз.

Бу йил Мухлиса сингари мингдан зиёд коллеж битирувчилари, яъни қизлар тадбиркорликни бошлаш учун кредит олди ёки шунинг ҳаракатида юрибди. Бу жараёнда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ишлар йўлга қўйилган.

– Хусусан, хотин-қизлар қўмиталари раислари, тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, “Тадбиркор аёл” уюшмасининг масъул ходимлари билан биргаликда туманлардаги ҳар бир касб-ҳунар коллежга белгиланган жадвал асосида бориб, тадбиркор бўлиш истаги бўлган ҳар бир қиз билан алоҳида суҳбат ўтказилди, – дейди вилоят хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси М.Санақулова. – Машғулотлар давомида қизларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, “Ягона дарча” маркази, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, микрокредитлар ажратиш орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат томонидан яратилган шарт-шароитлар, банк хизматлари, солиқ имтиёзлари тўғрисида батафсил тушунтиришлар берилди.

Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тадбиркорлик борасидаги қонунчиликка бағишлаб семинарлар ўтказилди. Ҳар бир касб-ҳунар коллежидан танлаб олинган қизлар ўз бизнес лойиҳаларини шакллантирди.

Каттақўрғон шаҳридаги бешта касб-ҳунар коллежини бу йил 1149 нафар қиз битирди. Уларнинг 59 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдириб, банкдан кредит олиш ишларини якунига етказмоқда.

– Коллеж битирувчи қизлари асосан, тикувчилик, хизмат кўрсатиш соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган, – дейди Каттақўрғон шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Феруза Раҳимова. – Коллеж битирувчиларига бу йил Каттақўрғон шаҳри миқёсида 342 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Тадбиркорлик билан шуғулланишни мақсад қилган қизлар билан тегишли соҳа мутахассислари иштирокида учрашувлар ўтказилди, уларга амалий ёрдам кўрсатилди. Сабаби, бизнес-лойиҳанинг пишиқ-пухталиги келгуси фаолиятида муҳим аҳамият касб этишини бу соҳада ишлаётганлар жуда яхши билади. Шунинг учун бу йил тадбиркорликда тажрибага эга аёллар билан коллеж битирувчилари учун учрашувлар ташкил қилдик, улар ўз тадбиркорлик йўлларини ёш қизларга тушунтириб берди.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтларда коллеж битирувчилари учун ўтказилаётган семинар-тренингларда банкдан кредит олиш учун тахминлар эмас, аниқ режа, таҳлил талаб этилиши, солиқ ва бошқа соҳа ходимлари билан юз бериши кутиладиган «тортишув»ларда уларнинг билимли бўлиши зарурлиги аниқ мисоллар асосида тушунтириб берилмоқда. Бундай учрашувлар натижасида Мухлиса сингари шаҳд билан иш бошлаган қизлар сафи янада кенгайиши шубҳасиз.

Гулрўх МЎМИНОВА,
“Оила ва жамият” мухбири

«ҚИШЛОҚЛИК ЭНДИ ИЛГАРИГИ ҚИШЛОҚИ ЭМАС, – ДЕБ ЁЗГАН ЭДИ ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ЭРКИН ВОҲИДОВ.



ҚИШЛОҚДА ТУРМУШ МАДАНИЯТИ...

биз билган ва билмаган оддий икир-чикирлардан бошланмайдими?

Қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтаришга устувор аҳамият беришимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ.

ЎЧОҚБОШИ ҲИКМАТЛАРИ

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, қишлоқ хонадонининг файзи, қут-баракаси қаердан бошланади? Бу саволни кўплаб ҳамқишлоқларимга – кайвони оқсоқоллару момоларга, ораста хонадон бекаларига, рўзғорбоши танишларимга бериб кўрдим. Кўпчилиги "Ердан, томорқадан", деди. Кимдир ҳазил аралаш "Сандиқдан", бошқаси "Кетмондан", яна бири "Ариқдан", деб айтди. Аслида, менинг жайдари сўровимда қатнашганларнинг барчаси ўзича ҳақ. Аммо менга Баҳор момонинг жавоби жуда маъқул келди.

– Файзу барака тандир-ўчоқ, қозонтовоқдан бошланади-да, болам, – деди момо. – Ўчоқбошингда саришталик, файз бўлмаса, эр-хотин минг топармонтутармон бўлмасин, рўзғорида барака бўлмайди. Эскидан қолган одат бор. Совчиликка келган аёллар баҳона топиб ўчоқбоши ёки ошхонага бир қур назар ташлайди. Шу билан бу хонадоннинг рўзғорбошисию, аёли қандай, рўзғор тутуми қанақа, бу уйда қандай ўғил-қиз тарбияланяпти – бирпасда ҳаммасини билиб олишади. Мана, ўзим ҳам келинларимни шундай танлаганман. Ҳа, айтганча, йигитларни ҳам тандир қурдириб, ўтин ёрдириб синашган.

Момо ҳали-ҳануз набираларга ўгит бериб чарчамайди: "Тандир-ўчоқнинг кулини олмасдан ўтин қалама, ўчоққа ахлат ташлама, оловни сув сепиб ўчирма, ўтинларни супурилган жойга тахла, шифтини ис бостириб қўйма, ўқловни ётқизиб қўй, рапида-енгчани қозиққа ос, супрани ҳамиша ораста жойда сақла..."

Менимча, бу ўгитларнинг тагида катта ҳикмат бор. Ўчоқбоши барча халқларда ҳам муқаддас ҳисобланган. Балки қадимда ўчоқдаги оловга сиғинган зардуштийлар расм-русумлари билан боғлиқдир бу қадриятлар. Нима бўлганда ҳам тозалик, орасталик бор жойда барака бўлади, файз бўлади, маданият бўлади. Ахир бежизга "Сариштали уй – фариштали уй" демаймиз-ку. Қишлоқнинг, қишлоқ аёлининг маданиятини, маънавиятини замонавий жиҳозлар, сўнгги урфдаги либослар эмас, аёлнинг ўчоқ бошиси, тандирхонаси, ошхонаси ва ҳаммомининг аҳволи белгилайди, десак хато бўлмас.

ҲАММОМИ ЙЎҚ БОЙВАЧЧА

Дўстим икки укаси билан бир кунда уйланган эди. Тўйдан сўнг отасидан қолган чоғроққина ҳовлида ака-укалар, келинлар қисилиб қолди. Дўстим акаукаларнинг каттаси эмасми, иморат қилмоққа тутинди. Аммо институтни тугатиб, эндигина қишлоқ мактабида иш бошлаган оғайнимнинг қўли қисқароқ эди. Асосий бино тушадиган жойни қўйиб, ишни биргина хона, ошхона, тандирхона, ҳаммом, қўйхонаю емхона қуришдан бошлади. Тезда ишини битказиб, томини ёпиб ҳам олди. Кўчиб ўтди. Суви сероб ер – томорқасида деҳқончиликни авж олдириб юборди. Навбати етиб, синфдошларга гаштак берди. Ўн беш киши унинг яккаю ягона хонасига сиғишмайроқ жойлашдик.

– Тандирхонаю ҳаммомингнинг томигача шиферлагандан кўра битта меҳмонхона қурсанг бўлмасмиди, «интеллигент»?, – деди даврамизга тасодифан кўшилиб қолган, мезбоннинг бетгачопарроқ қариндошларидан бири истеҳзо билан.

–Мана, сен – катта фермерсан, қишлоқнинг олди бойваччаларидансан, – ётиғи билан жавоб қайтарди мезбон оғринганини сездирмасликка тиришиб. – Ҳар йили ёзда уйингга тонна-тонна буғдой тўкасан. Саккиз хонали уйинг бор. Меҳмонхоналарингда ўзингу болаларинг умрида ўтирмайдиган диван-кресло, баҳайбат гарнитур... Буюрсин - ҳаммаси меҳнатингнинг орқасидан! Лекин хотин, бола-чақанг билан даладан терга, чангга ботиб келганингда ювиниб чиқадиган ҳаммоминг йўқ. Бояги қизиқчи айтганидай, саккиз хонали уйингни қўйиб, газхонангда ётасан. Ўша ерда овқатланасан, ювинасан... Тандирхонангнинг усти беш йилдан бери шифер кўрмайди. Отангнинг пулига уйлангансан-да, хотинни қадрига етмайсан. Бечора аёлинг қаҳратон қишда ҳам қор-ёмғир тагида тандирга киради. Кейин ҳар йили уч-тўрт марталаб даволатиб юрасан. Нима, қурбинг етмайдими? Боқувдаги ҳўкизларинг учун қандай зўр шароит қилиб қўйганингни кўрганман. Ахир, қачон ўзинг учун яшайсан?

Савол берган меҳмон мум тишлаб қолди...

ХИЖОЛАТЛИК БОИСИ

– Қишлоқда яшайдиган, шаҳарда каттагина лавозимда ишлайдиган амалдорникига меҳмондорчиликка киришга тўғри келди, – дея ҳикоя қилади ёши улуғроқ танишимиз. – Ҳовли-жойнинг дабдабасини кўриб оғзимиз ланг очилиб қолди. Тўғри даладан борганимиз учун мезбондан аввал зарурат юзасидан «ҳовлининг тўри»га ўтишга рухсат сўрадим. Аммо у томондаги аҳволни кўриб, таъбим тирриқ бўлди. Кенг-мўл молхонада тизилган ўн чоғли ҳўкизнинг остидаги гўнг тиззагача балчиқ бўлиб ётибди. Ҳожатхонасини асти сўраманг, эшикни очишим билан қўланса ҳиддан кўнглим озди, бир гала пашша бижиллаб келиб юзимга урилди... Оппоқ сочиқни елкасига ташлаган мезбон обдастада сув қуйиб, бизни ичкарига – меҳмонхонага таклиф қилди. Меҳмонхона – нақ амирнинг саройи дейсиз. Антиқа мебеллар, серҳашам пардалар... Дастурхонда қушнинг сутидан бошқа ҳамма нозне-ъмат муҳайё эди. Хона кўпчиликнинг дамига исиб кетдими, мезбон пардаларни тортиб, деразаларни очиб юборди. Шу пайт ташқаридан кирган бир тўда пашша дастурхон устидаги «тандир»га келиб қўнди. Оғзимдаги оғзимда, бўғзимдаги бўғзимда қолди... Мезбон эса парвойи-палак «олинг-олинг»ни канда қилмасди...

Эсимда. Болалик йилларимда қишлоғимизга шаҳардан келин бўлиб тушган дўхтир аёл (биз болалар маънисига тушуниб-тушунмай «Гигиена янга» деб атардик) «антиқа» одатлари билан кўпчиликнинг тилига тушганди. Айниқса, кўчадаги хотин-халаж ғийбатининг бош мавзуси шу эди. Нима эмиш, «Гигиена янга» сигирининг елинини ҳам совунлаб ювиб, оппоқ сочиқда артиб, икки қават дока қопланган челакка сут соғармиш. Чой дамлаб келса ҳам қўлини совунлаб ювармиш. Ойлигидан йиғиб-йиғиб уйида тараша, кўмир ёқиб иситиладиган ҳаммом қурдирганмиш (ўша пайтлар уйда ҳаммом бўлиши янгилик эди, ҳамма шанба-якшанба куни «совхоз»нинг «обший» ҳаммомига қатнарди). Кир ювадиган тоғораси тўрт-беш хил эмиш. «Ҳовлининг тўридаги уйча»ни эрига қўярда-қўймай оқлатиб поллик қилдириб олганмиш, ҳар куни хлорлаб ювиб чиқармиш... Бу «ғийбат»ларда жон бор эди, «Гигиена янга» дарҳақиқат «ашаддий» ораста аёл эди. Оиласида ҳам шундай муҳитни ярата олган эди. Аммо унинг оддийгина турмуш маданиятига хос одатларини биз «қишлоқилар» ҳазм қила олмасдик, холос...

«ТОВУҚХОНА Ё МОЛХОНАНГИЗ ЛОЙИҲАДА БОРМИ?»

Чўлқуварлик авж олган ўтган асрнинг етмишинчи-саксонинчи йилларида собиқ «Каршистрой» томонидан қурилган, халқ тилида рақамлар билан аталадиган «совхоз»лардаги коттежларда бўлганмисиз? Ўша давр учун замонавий ҳисобланган, Косондагиси ҳам, Нишондагиси ҳам, Миришкордагиси ҳам бир-бирига икки томчи сувдай ўхшайдиган бу «эгизак» биноларнинг бугунги аҳволи билан ҳам танишмисиз? Бетондан тикланган бу иморатларнинг саратонда чидаб бўлмас даражада иссиқ, қишда совуқ эканини қўятуринг. Деярли бир хил лойиҳалар асосида қурилган уйларда чўл шароити, қишлоқ одамларининг турмуш тарзига хос оддийгина хусусиятлар ҳисобга олинмаган.

Буни ўша ҳудудларда коттежларга ёндош қилиб пахсадан ё хом ғиштдан пала-партиш қуриб ташланган дарвозахона, айвон, омборхона, тандирхона, молхона, товуқхона, сомонхона, емхона, ҳожатхона каби қўшимча иншоотлар исботлаб турибди. Қишлоқ шароитида бу иншоотларнинг ҳар бирининг алоҳида ўрни бор. Қишлоқ одамларининг турмушини мол-ҳолсиз, сигир-бузоқ, қўй-эчки, паррандасиз тасаввур қилиб бўладими? Қолаверса, ўзбекнинг хонадонда ўтказиладиган тўй-маъракаси бор... Сезаётгандирсиз, гапимиз қаёққа томон бораяпти? Ҳа, яшанг, буларнинг барчаси чўлда янгидан барпо этилаётган қишлоқнинг бош режасида, уйларнинг лойиҳаларида қулай, шинам тарзда акс этиши керакмасмиди? Режасизлик, лойиҳалардаги номукаммаллик, номутаносиблик, шароит ва имкониятлар, қишлоқ одамларининг эҳтиёжлари, манфаатлари, хоҳиш ва истаклари билан ҳисоблашмаслик... – жойларда ноқонуний қурилишлар кўпайишининг бош сабабларидан бири шулар эмасми?

Шукрки, биринчи Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси билан қишлоқларимизда намунавий лойиҳа асосида барпо этилаётган кўркам уй-жойларда барча шарт-шароит муҳайё. Биринчи Президентимиз ушбу уйларни қуришда миллий минталитетимизни ҳисобга олишга, аёллар учун қулай шароит яратишга, болалар ва ота-она учун алоҳида хоналар бўлиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратган эди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, собиқ иттифоқ даврида меъморчиликда бир хонадонда жон бошига тўғри келадиган майдон бор-йўғи 6-7 квадрат метрдан ортиқ бўлмаслиги керак, деган чекловлар бор эди. Салгина ҳашамдорроқ иморат қурган одамларнинг таъқиб остига олингани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бугун-чи? Шаҳарни-ку қўятуринг, қишлоқларимизда ҳам тадбиркорларимиз, фермерларимиз, умуман кўпгина қишлоқликлар кўримсиз пахса иморатлар ўрнида икки-уч қаватли, бир-биридан чиройли уйлар қуришаяпти. Бу бинолар соҳибларининг турмуш фаровонлигига хизмат қилиш билан бир қаторда қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшмоқда. Аммо ҳар бир бинонинг пиҳиқ-пухта, аниқ режа, лойиҳа асосида қурилишига, унда барча қулайликлар яратилишига нима етсин.

ҚИШЛОҚЛИК ЭНДИ ИЛГАРИГИ ҚИШЛОҚИ ЭМАС

Булар қишлоқ хонадонидаги биргина ўчоқбоши ёхуд ҳаммом баҳона юзага чиққан фикрлар, мулоҳазалар эди. Қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш борасидаги мавзуни эса яна истаганча давом эттиришимиз мумкин. Масалан, чиқиндихоналар ташвиши қишлоқларимизда ҳам долзарб бўлиб турибди. Ёки қишлоқда замонавий канализация тизимларини барпо этиш сингари масалалар мутахассисларимиз, мутасаддиларимиз ва қишлоқ аҳлининг назаридан четда қолмаяптими?

Бу гаплар кимларгадир икир-чикир, қаламга олишга арзимайдиган майда-чуйдалар бўлиб туюлар. Аслида-чи? Аслида эса нимаики инсон манфаатлари – унинг саломатлиги, турмуш фаровонлиги билан боғлиқ бўлса, у давлатимиз аҳамиятига молик муҳим масала ҳисобланади.

«Қишлоқлик энди илгариги қишлоқи эмас, – деб ёзган эди Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов. - Кийинишда, муомалада, юриш-туриш ва рўзғор тутишда қишлоқда яшовчилар бугун ҳеч бир шаҳарликдан кам эмаслар». Қаҳрамон шоиримиз таърифидаги бу одамлар қишлоққа турмуш маданиятини замонавий асосда ташкил эта олган қишлоқдошларимиз – сизу бизнинг қўшнимиз, кўчадошимиз, маҳалладошимиз. Улардан ўрганайлик, уларга эргашайлик, улардан ибрат олайлик. Нима дедингиз, қишлоқдош?!

Нуриддин ЭГАМОВ

"ЎЗМЕТКОМБИНАТ"АЖ:

Маҳаллийлаштириш дастури амалда

Мустақиллик йиллари бекободлик металлурглар учун янгиланиш, юксалиш, тараққиёт даври бўлди. Комбинат ходимлари ҳар бир жараёнга оқилона ёндашиши, мутахассисларнинг ташаббускорлиги, тадбиркорлиги, ишчиларнинг матонати, фидокорона меҳнати ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини берди.



ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон металлургия комбинати истиқлол йилларида прокат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи турдош корхоналар ўртасида ўз мавқеини сезиларли равишда мустаҳкамлади. Кўп ва сифатли прокат ишлаб чиқариш, комбинатни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш дастури асосида маҳсулотлар тайёрлаш муваффақиятли ҳал этиляпти.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов "Ўзметкомбинат"нинг 60 йиллик тўйига юборган табригида таъкидлаганидек "...бекободлик металлурглар жамоалари Ўзбекистон оғир саноатининг етакчиси эканлигидан ҳақли равишда фахрлансалар арзийди..."

Бу шарафга эришиш учун комбинат жамоаси машаққатли йўлни босиб ўтди. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йиллари бекободликлар учун оғир кечди. Йиллар давомида йўлга қўйилган, синалган хўжалик алоқалари барбод бўлиши туфайли юзага келган кўплаб муаммоларга қарамай, комбинат фаолиятини тўхтатмади.

Янги даврда металлурглар иқтисодий масалаларга янгича ёндошишни ўзлаштириб боришди. Комбинатда маҳсулотларнинг янги турлари ишлаб чиқарилишига, янги қувватларнинг ишга туширилишига алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, республикамиз тоғ-металлургия ва цемент саноати учун пўлат золдирлар хориждан келтирилар эди. Бекободлик металлурглар истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ бу маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳаракатини бошлаб юборишди. Ҳаракатлар бесамар кетмади. 1994 йилда комбинатда диаметри 67-80 мм пўлат золдирлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган иккита прокат стани қурилди. Эришилган ютуқлардан руҳланган прокатчилар кейинчалик диаметри 100 мм, сўнг 120 мм. ва 40 мм бўлган пўлат золдирларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Натижада мамлакатимизнинг бу маҳсулотларни чет элдан сотиб олишга сарфлаётган катта миқдордаги валютаси тежалиши билан бирга комбинатнинг даромади ошди.

1997 йилда комбинат маҳаллий хом ашёлардан метиз маҳсулотлари, пайвандлаш ва эритиш йўли билан олинадиган симларни ишлаб чиқарувчи техникани олиб келиб, унинг технологиясини ўзлаштириб олди.

Металлурглар эритилаётган пўлат сифатини янада яхшилаб, уни жаҳон андозалари даражасига етказишни бош мақсад қилиб олишган. Ана шу йўлда 1999 йилда пўлатга печдан ташқарида ишлов бериш қурилмаси ишга туширилди. Бу қурилманинг фойдаланишга топширилиши пўлат эритиш вақтини камайтириб, маҳсулот сифатини оширди. Орадан уч йил ўтиб пўлат "АКАр-6-2" кислород блоки қурилиб ишга туширилди. Бу блокнинг ишга туширилиши натижасида комбинат пўлатга аргон билан ишлов беришнинг янги усулига ўтди. Шунингдек, аргон гази билан республикамиз саноат корхоналарининг эҳтиёжи ҳам қондирилмоқда.

Қўлга киритилган натижалар билан қаноатланмаган металлурглар пўлат эритишнинг янада замонавий технологияларини ўзлаштира бошлади. Жумладан, 2002 йилдан электр печларни янгиларига алмаштириш билан электрда пўлат эритиш цехини қайта таъмирлаш ишлари якунланди. Янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобига электр энергияси, ўтга чидамли материаллар ва графидланган электродлар сарфи камайди. 2008 йилда ушбу печнинг газ тозалаш қурилмаси реконструкция қилиниб, ишга туширилди. Реконструкциягача электр печидан чиқаётган газ ва чанг ҳар куб метрда 90 миллиграммни ташкил этарди. Реконструкциядан сўнг уларнинг миқдори ҳар бир куб метрда 12-15 миллиграммдан ошмаяпти. Бу жаҳон экологик талабларига тўлиқ мос келади.

Комбинатда истиқлол йилларида кўпгина янги турдаги арматура, швеллер, бурчакли ва тўртбурчакли пўлатлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, рангли металлар ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилиб, мис ва унинг қуймаларидан прокатлаш технологияси ўзлаштирилди. Шлак қолдиқларини қайта ишлаш цехи, пўлат симлар ишлаб чиқариш цехи, базальт асосида иссиқликка чидамли материаллари ишлаб чиқариш цехи, пайвандлаш электродлари ишлаб чиқариш участкаси фойдаланишга топширилди.

Кейинги йилларда комбинатни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Белгиланган дастурлар асосида бажарилган ишлар натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бораётир. Биргина мисол, 1998 йилда корхонада 349 минг тонна пўлат эритилиб, 322 минг тонна прокат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, сўнгги йилларга келиб 746 минг тонна пўлат эритилиб, 718 минг тонна прокат маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилди.

2016 йилнинг дастлабки 9 ойи натижалари янада салмоқли бўлди. Режадаги 497 650 тонна ўрнига 514 479 тонна пўлат эритмаси олиниб, 561 678 тонна прокат маҳсулотлари тайёрланди. Белгиланган режа ортиғи билан бажарилди.

Мустақиллик йилларида металлургларнинг самарали меҳнат қилиши ва уларнинг оила аъзолари кўнгилдагидек дам олиши ва соғликларини мустаҳкамлашда етарли шарт-шароит яратилди. Юртимизнинг энг хушманзара ва баҳаво жойи бўлмиш Бўстонлиқ туманида – "Чорвоқ" сув омбори бўйида "Металлург" пансионати қурилди. Бу пансионатда металлурглар ва уларнинг оила аъзолари йил давомида ҳордиқ чиқаришмоқда. Шу маскандан узоқ бўлмаган жойда комбинатнинг "Ёшлик" болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳам фаолият кўрсатаётир. Замонавий оромгоҳ йилнинг тўрт фаслида ҳам болажонларни қабул қилмоқда. Оромгоҳда фарзандларимиз дам олиш билан бирга мактабдаги таҳсилини ҳам давом эттиришади.

Бекобод шаҳрида теннис корти, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, 15 минг томошабинга мўлжалланган "Металлург" марказий стадиони, "Ёшлик" спорт мажмуаси, "Ёшлар маркази", "Бахт уйи" тўйхонаси, "Металлург супермаркети", "Саховат уйи", тиббиёт коллежи, юқумли касалликлар шифохонаси, ёш оилалар учун иккита кўп қаватли уй қурилиб фойдаланишга топширилди. Шаҳардаги 17 та ўрта мактаб, барча тиббиёт муассасалари, металлурглар маданият саройи, "Барқамол авлод" болалар истироҳат боғи мукаммал таъмирланди. Шунингдек, Бекобод туманида ҳам кўплаб ижтимоий соҳа объектлари қурилди ва таъмирланди. Зафар шаҳарчасида шинамгина истироҳат боғи барпо этилди.

"Ўзметкомбинат"да озиқ-овқат дастурини ижро этиш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ёрдамчи хўжаликда чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик йилдан йилга ривожлантирилмоқда.

Комбинатда кечаётган янгиланишлар, модернизация жараёнлари мазмун-моҳияти билан жонажон Ватанимизга, унда азизу мукаррам саналган инсон ва унинг манфаатларига қаратилган. Бугунги кенг қамровли ислоҳотлар комбинатнинг ишлаб чиқариш қуввати ошишига, меҳнат аҳли реал даромадларининг ўсишига, янги иш ўринлари яратилишига, пировард натижада мустақил юрт ободлиги ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигига хизмат қилади.

Рашид ПИРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

ОИЛАБОШИНИНГ ИЗТИРОБЛАРИНИ-ЧИ, БУГУНГИ КУН ОДАМИ ТАСАВВУР ҚИЛА ОЛАРМИКАН?

Бўкалик Шаҳнозанинг ўғли Исломбек туғма юрак етишмовчилиги билан дунёга келди. Кўрсатилган тиббий текширувлар натижасида болани Ҳиндистонда жарроҳлик йўли билан даволаш мумкинлиги айтилганида, онаизор кимдан ва қаердан кўмак олиши мумкинлиги ҳақида ўйлай бошлади. Бироқ юртимизда она ва бола саломатлигини сақлашга давлат сиёсати даражасида қаралишини, унинг гўдаги ҳам эътиборсиз қолмаслигини ўйлаб кўнгли таскин топди. У ёрдам сўраб туман ҳокимлиги ҳамда "Қизил Ярим ой" жамиятига мурожаат қилди. Уч босқичда ўтказиладиган жарроҳликнинг биринчиси яхши ўтди. Онанинг қувончини сўз билан ифодалаб бўлмасди...

КЎЗ ТЕГМАСИН

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ташкил этилган "Қизил Ярим ой" жамияти 25 йилдан буён меҳр-мурувват ғояларини рўёбга чиқариш, одамларга холис ёрдам кўрсатиш, гуманитар фаолият ва ижтимоий соҳада давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органларига кўмаклашиш борасида самарали фаолият юритиб келмоқда.

"Қизил Ярим ой" жамиятининг асосий мақсади ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз шахсларга ёрдам беришдан иборат. Ҳафтанинг икки кунида жамият ходимлари жойларга чиқиб якка ёлғиз, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олади. Жамият ҳузурида болалар бўлими фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Бўка туманидаги 48-мактабнинг 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчилари "Қизил Ярим ой" жамиятининг ишларида ихтиёрий иштирок этади.



Туманимизда яшовчи қаровчисини йўқотган ва меҳнатга лаёқатсиз инсонларнинг 12 нафари "Қизил Ярим ой" жамиятига бириктирилган. Соғлом она ва бола йилида 20 нафарга яқин она ва болага, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига ёрдам кўрсатилди.

– Ўғлим Аслиддин туғма кар бўлиб туғилганини 6 ойлик бўлганида билдик, – дейди Зулайҳо исмли она кўз ёшларини тўхтатолмай. – Мутахассис шифокорлар энг юқори товушнигина англаши мумкинлигини айтишганида дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди. Шундан сўнг туман ҳокимлигига мурожаат қилдим. Туман ҳокими, Хотин-қизлар қўмитаси илтимосимни қаноатлантириб, ўғлимга қиймати 3,5 миллион сўмлик рақамли қулоқчин совға қилишди. Бу туҳфадан бениҳоя мамнун бўлдим. Бугун гўдагим энг паст овозни ҳам илғай олади. Мутахассислар ёрдамида талаффузи яхшиланмоқда.

Меҳр-оқибатли, хайр-саховатли юртимизга, юртдошларимизга кўз тегмасин.

Сурайё АБДУЛЛАЕВА,
Бўка туман "Қизил Ярим ой" жамиятининг ижрочи директори

ҚАРШИ ДЎХТИРНИНГ ҲИКОЯСИ

ёхуд яқин ўтмишга бир назар

Ким эдигу ким бўлдик?

Олис қишлоқларгача тараққиёт кириб борган айни пайтда бобо-бувиларнинг яқин ўтмиш ҳақидаги ҳикояларини ишонқирамайроқ тинглаймиз баъзан. Умрини тиббиёт соҳасига бағишлаган, тоғу тошлар, дашту далалар орасидаги қишлоқ одамлари «Ўзимизнинг Қарши дўхтир» деб эъзозлайдиган 86 ёшли Қарши ота Пирназаровдан чақалоқларнинг уйда туғилгани ва қишлоқдаги аёлларга ўзи доялик қилгани, оғир аҳволдаги беморларни шифохонага элтиш учун колхоздан ялиниб-ёлвориб машина сўрагани ҳақида эшитиб, очиғи, нималар ҳис қилганимни тасвирлаб беролмайман.

Белбоғига тўртта зоғора нонни тугиб, неча чақирим йўлга яёв қатнаб шифокорликка ўқиб келган Қарши дўхтир Нуробод туманидаги Тепақул қишлоғида тиббиёт пунктининг очилиши тарихини сўзлаб берганида, шўролар замонида ҳудуд аҳолисининг турмуш тарзи-ю, тиббий саводхонлиги бор бўйича кўз олдимда намоён бўлди. Ота айтган ўша тиббиёт пункти – пахсадан кўтарилган бир уй, бир даҳлизни бугунги қишлоқ врачлик пунктлари билан қиёслашнинг ўзи ноўрин.

– Тоза ичимлик суви йўқлиги, ноқулай яшаш шароити туфайли қишлоқ аҳолиси ўртасида сил касали авж олганди, – дейди Қарши ота. – Шунда қишлоқда туберкулёз пункти очилиб, шаҳардан врачлар келиб одамларни даволашга киришди. Тиббиёт техникумини битириб, бир муддат Паст дарғом туманида ишлагач, 1960 йилнинг 20 ноябрида қишлоқдаги мана шу пунктда фельдшер-акушер бўлиб ишлай бошладим. Педиатр, терапевт, невропатолог, хирург ҳам ўзим эдим. Қишлоқларда гоҳ сариқ касали тарқаб кетса, гоҳ ичбуруғ авж оларди. Уч-тўрт қишлоққа битта дўхтир. Эпидемиолог врачлар йўқ. Одамлар ўз соғлиғига бефарқ, аёлларни мажбуран ҳам туғруқхонага олиб боролмасдик. Уйда туғаман, деб туриб олишарди. Транспорт масаласи қийин. На газ, на чироқ бор. Шприцлар, тиббий анжомларни ишлатишдан олдин оддий ўчоқда ўт ёқиб, қайнатиб стериллардим. Кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, велосипедимни миниб, қишлоқма-қишлоқ кўрикка борардим. Ана шундай оғир шароитларда ишлаганмиз...

Қарши отанинг ҳикоясини тинглар эканман, ой-куни тўлмасдан туғилиб отасининг телпагидан жой олган бармоқдеккина чақалоқни, гўдагини дунёга келтириб, этагига солганча сандалнинг бир четида жимгина ўтирган аёлни кўз олдимга келтирдим. Дўхтирнинг қистови билан туғруқхонага етказилса-да, туғруқ асорати туфайли кўп қон йўқотган аёлининг жонсиз танасини трактор тиркамасида олиб қайтган оилабошининг изтиробларини-чи, бугунги кун одами тасаввур қила олармикан?

– Тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар, шаҳару қишлоқлар аҳолиси баҳраманд бўлаётган тиббий хизматлар ўша даврларда бўлганда борми, – дейди Қарши ота, – қанча-қанча одамларнинг ҳаёти сақлаб қолинган, умрига умр қўшилган бўларди. Мана, яқинда юрагимни операция қилишди. Ўзимизда. Самарқандда. Бизнинг шифокорларнинг даволаш усуллари, тажрибаларидан ҳатто хориждан келиб ўрганишаётганидан жуда ғурурландим. Ташхис аппаратлари билан таъминланган, аҳолининг ўз саломатлигини тиклаши, мураккаб операциялар ўтказиш учун барча шароитлар муҳайё замонавий шифохоналарда енг шимариб ишлагим келиб кетди.

Давлатимиз томонидан бир қанча мукофотлар билан тақдирланган, 39 невара, 27 эваранинг бобоси, 64 ёшигача аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қилган Қарши ота Пирназаровдан эшитганларим биргина Нуробод туманининг чекка қишлоқларига тааллуқли эмас, яна бошқа туманлар, қишлоқлар тарихи билан айнан ўхшаш, десам хато бўлмайди. Майли, кеча ким бўлганимизни унутмайлик-да, бугун ким эканлигимизни намоён қилиб турган болаларнинг шодон кулгуси, оналар кўнглидаги хотиржамлик, оталар қалбидаги ғурурнинг қадрига етайлик.

Зилола ОМОНОВА

"КЎЗИНГНИ ЮМ, БОБОВ КЕЛЯПТИ..."

Тарбия

Педагогикада бола тарбиясида икки усул кўпроқ қўлланилади: қизиқтириш, рағбатлантириш ва қўрқитиш, бўйсундириш усули. Иккала усулнинг ҳам меъёри бор. Меъёрдан ошдими, демак ижобий натижадан умид қилиб бўлмайди. Қўрқитиш оқибатида болаларда шаклланадиган ожизлик ва мутелик табиати мени кўпроқ ташвишга солади.

Ухламайман деб хархаша қилаётган набирамни онаси уйни турли бурчакларидан, кроватнинг тагидан чиқиб қолиши мумкин бўлган бўрилар билан қўрқита бошлади: "Юм кўзингни, ана бўри келяпти, ҳозир уйғоқ ётган болаларни еб кўяди. Қани, тез юм-чи кўзингни, бўлмаса бўрига бериб юбораман сени!"

Болани қўрқитиш учун "чақириладиган" хаёлий қўрқитувчилар кўп: ялмоғиз, бобов, қорақўл, ажина... Буларнинг бирортасини кўрмаган боланинг тасаввурида эса қўрқинчли махлуқлар гавдаланади. Негадир инсонни гўдаклигидан бошлаб қўрқитиб йўлга солишга ҳаракат қиламиз.

Бола мактабга боргач, ўқитувчи "икки" баҳо билан ёки ота-онасини чақиртириш билан қўрқитади уни. Оқибатда бола ё кундалигини йўқотади ё ота-онасини мактабга олиб келмайдиган, ўқитувчини ҳам, ота-онасини ҳам турли баҳоналар билан алдайдиган бўлади.

Кўпинча оналар болаларини: "Даданга айтаман", "Даданг билса, ўлдиради", қабилидаги дашномлар билан қўрқитади. Натижа яна ёмон – бола отасини ёмон кўриб қолиши мумкин. Ахир отадан улуғроқ, ҳурматга лойиқроқ зот бўлмагач, қандай қилиб биз энди отасидан узоқлашган боладан яхшилик кутамиз.

Бола "икки"дан ҳам, ота-она мажлисидан ҳам қўрқмагач, уни илмий бўлим мудирига, директорга чақамиз, ёмонлаймиз. Уни безбетликда, тарбиясизликда айблашади. Оқибатда ўқувчи ўқитувчисини менсимай қўяди. Жамият эса тарбияси оғир ўқувчига эга бўлади. Ўқувчи билан дилдан гаплашмас, уни ишончини қозонолмас эканмиз, у бизга яқинлашмайди.

Болаликдаги қўрқитиш асорати катта бўлганимиздан кейин ҳам бизни тинч қўймайди. Давраларда ўз фикримизни билдиришга қўрқамиз. Икки оғиз гапни гапиргунча қора терга ботамиз. Масъулиятлироқ вазифа топширилса, зиммамизга олишдан чўчиймиз. Журъатсизлик қиламиз.

Спорт – соғлиқ гарови, деймиз. Лекин кейинги пайтда спортнинг якка кураш турларига фарзандини бераётган айрим ота-оналарнинг дунёқарашидан ёқа ушлайди киши. Фарзандим соғлом бўлсин, деб эмас, балки бировга ҳақини бериб қўймасин, иложи бўлса, бошқанинг ҳақини ҳам тортиб олсин, дея спорт секциялари эшигини қоқаётганлар бор.

Бир йигитчанинг куч-адолатда, деган ҳикматни кучли одам нима қилса ҳам адолатли бўлаверади, атрофдагилар унга бўйсунгач, адолат қарор топади, қабилидаги сафсатасини эшитиб, бошимдан ҳушим учай деди.

Ана қўрқитишнинг зарари, қўрқитиш учунгина кучли бўлишга интилишнинг зарари.

Болаларимизга кўпроқ эртак ўқиб беришимиз керак. Ахир эртаклар оламига қадам қўйган болакай ҳаётда қора девларни, аждарҳоларни қандай енгишни билади ва асло қўрқмайди. Эртак ўқиган бола китоб ўқишга қизиқиб қолади ва билими кенгайиб, мактабда фақат "аъло" баҳоларга ўқийди ва атрофгиларга ўрнак бўлади.

Биз фарзандларимизни хаёлий махлуқлар билан қўрқитиш ўрнига ҳаётдаги ёвузларни, ёмонликларни енгишга, мард, жасур бўлишга ўргатишимиз керак. Шундагина улар Ватанимизга ҳам, ўзимизга ҳам шараф келтирадиган инсонлар бўлиб камолга етади.

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ,
ўқитувчи

ОТАМ МЕНИ ОҚ ҚИЛГАН...

Бир гал отам жаҳл устида "Оқ қилдим сени", деди. Бу даражада кўнглини оғритадиган иш қилганим йўқ эди. Фақат ўз фикримни ҳимоя қилмоқчи бўлиб тортишгандим, холос. Жаҳлидан тушганидан кейин яна муносабатимиз аввалгидек яхши бўлиб кетди. Отамга бу ҳақда гапирсам, "ундай демаганман", дейди. Лекин кўнглимдаги ғашлик тарқамайди. Наҳотки оқпадар бўлган бўлсам, деган ўй юрагимни кемириб ташлади. Ҳозир отам бетоб. Бундай ҳолларда динимизда қандай йўл-йўриқлар бор?

Шомаҳмуд, Тошкент

Жалолиддин Ҳамроқулов, Тошкент Ислом институти кафедра мудири:

–Шариатимизда уқуқул-волидайн яъни "ота-онага оқ бўлиш" деганда фарзанддан ота-онага озор етказадиган ҳар қандай сўз ва амаллар содир бўлиши назарда тутилади. Аллома Ибн Ҳажар айтади: "Уқуқул-волидайн бу - ота-онага ёхуд улардан бирига урф жиҳатидан арзимас саналмайдиган даражада азият етказмоқдир".

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тушунсак, "ота-онага оқ бўлиш" деганда фарзанд томонидан ота-онага



жиддийроқ озор етказиш, қаттиқроқ хафа қилиш ирода қилинар экан. Мазкур азият феълий, қавлий ва имо-ишора билан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олиши мумкин. Яъни бу азият сўз билан, хатти-ҳаракат орқали ёки имо-ишора билан ҳам етказилиши мумкин.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳдан "уқуқ-л-волидайн нима?" деб сўрашганда: "Фарзанднинг ўз ота-онасига яхшилик ва эҳсонни тўхтатиб қўйиши, уларни ташлаб қўйиши ва юзларига тик боқишидир", деб жавоб берганлар. Тобеинлар улуғининг мазкур сўзларидан фарзанд ота-онасини ўз яхшиликларидан маҳрум қилиши ҳам ота-онага оқ бўлиш жумласидан ҳисобланувчи ишлардан эканлиги маълум бўлади. Ота-онага оқ бўлиш муқаддас ислом динимиз кўрсатмаларига кўра ҳаром ва катта гуноҳлардан ҳисобланади. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтади:

"Раббинг, ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бириси ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб "уф" тортма, уларни жеркма. Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун меҳрибонлик билан, хорлик қанотни паст тут – хокисор бўл ва: – "Парвардигорим, мени гўдаклик чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин!", деб (ҳақларига дуо қил)!". (Исро сураси, 23-24-оятлар)

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): "Сизларга кабира гуноҳларнинг энг каттаси нималар эканлигини айтайми?" – дедилар, – "(Кабираларнинг энг каттаси) Аллоҳга ширк келтириш, кейин ота-онага оқ бўлиш ва ёлғон гувоҳлик беришдир", деганлар. (Бухорий ривояти)

Ислом умматининг барча уламолари ота-онага оқ бўлиш ҳаром ва унинг гуноҳи кабиралардан эканлиги борасида якдилдирлар. Ота-онасига оқ бўлган яъни ота-онасига ўзининг итоатсизлиги, ёмон хулқи ва қўпол муомаласи билан озор етказувчи, улардан яхшилигини дариғ тутувчи фарзанд Аллоҳ таоло томонидан дунёю охиратда турли уқубатлар билан жазоланади.

Абу Ҳурайра (разияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинишича, бир куни Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Хор бўлсин!.. Яна хор бўлсин!.. Яна хор бўлсин!..", – дедилар. Саҳобийлар "ким (хор бўлсин), Эй Аллоҳнинг Расули!", – дейишди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ота-онасининг ҳар иккиси ёки бирига – уларнинг қарилик чоғида етишгану, лекин (уларни рози қилиб) жаннатга кирмаган киши!", – дедилар. (Муслим ривояти)

Ота-онага оқ бўлиш ҳолатлари кўп бўлиб, улар турли-туман кўринишларда намоён бўлади. Жумладан, ота-онага бақириш, жеркиб бериш, дилларини оғритиш, улар бирор сўз айтганларида ёхуд иш буюрганларида малолланиб "уфф" дейиш, улар ҳузурида қовоғи солиқ, пешонаси тиришган ҳолда юриш, уларга таҳқир ёки ғазаб назари билан боқиш, ўзи дам олиб, уларга иш буюриш ёки ишлатиш, улар тайёрлаган таомни ёмонлаш, ота-она гапираётганда улардан юз буриш ёки сўзларини бўлиш, ўзининг ёмон хулқи билан уйдан ташқарида бировларга азият етказиш орқали ота-онасига лаънат келтириш, обрўларини тушириш ҳам ота-онага оқ бўлишнинг айни ўзидир.

Аллоҳ таоло бандаларига қатъий қилиб фақат ўзигагина ибодат қилмоқликка ва ота-онага яхшилик қилишга буюрди. Уларга яхшилик қилишни ибодат даражасига кўтарди, ҳатто ота-онага яхшилик қилиш баъзи ибодатлардан ҳам афзалроқдир. Ота-онанинг ҳурматини жойига қўйиб, мудом уларнинг ҳолидан хабар олиб хизматида бўлиш, улар ёқтирмаган нарсалардан йироқ бўлиш, улар вафотидан кейин дўстлари ҳолидан хабар олиб туриш ҳам уларга нисбатан яхшилик қилиш ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсонни ўсиб, камолга етишида ота-онанинг хизмати беқиёсдир. Ота-она фарзандига дунёдаги бор яхшиликларни истайди. Фарзандини келажакда комил инсон бўлиб вояга етиши учун қўлидан келган барча имкониятларни муҳайё қилади.

Юқоридаги шариатимиз кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилишимиз мумкинки, ота-онага оқ бўлиш энг катта гуноҳлардан ҳисобланади. Бу мусибатга дучор бўлган фарзанд зудлик билан тавба қилишга ва ота-онасининг розилигини олишга шошилиши лозим бўлади. Шу маънода отангизнинг "ундай демаганман", дейишлари ўртада бўлиб ўтган ножўя ишларни унутганликларига ҳамда сизни кечирганликларига далолат қилади, иншааллоҳ. Шундай экан, сиз чин дилдан тавба қилиб, падари бузрукворингизни бундан буён хизматларига астойдил бел боғлашингиз ва дуоларини олишингиз лозим. Зеро, Аллоҳ таоло гуноҳларни кечирувчи фазли кенг Зотдир!

Оила ва дин

УМР САВДОСИ

Таассуфки, аёл билан аёл, эркак билан эркак ўзаро никоҳ қуриб яшашига расман йўл бераётган давлатлар бор. Йигит билан қиз ёки эркак билан аёл қонуний никоҳдан ўтмай бемалол яшаб юраверадиган мамлакатлар бор. Умр савдосини бу тахлит олиб борадиганлар ҳеч қачон ҳақиқий яхшиликка етишолмайди. Чунки жинсий ҳаётга бундай масъулиятсиз муносабат ҳеч бир динда ҳалол ҳисобланмайди.

Шукур, халқнинг хизматидамиз. "Никоҳ ўқиб қўйинг", дейишади. Ўқиб қўямиз. Наинки мусулмонча ҳаёт тарзини, ҳатто имон калимасини билмайдиган ёшларимиз борлиги кўнгилни оғритади. Никоҳ маросимида айтилган қайси кўрсатмаю, қай бир панд-насиҳатни эслаб қолди экан булар, деб ўйлаб қоламан баъзан.

Худонинг берган куни диний идорага ораларига уч талоқ тушган эр-хотинлар келишади: "У эди, бу эди, маст эдим, аласт эдим, талоқ айтиб юборибман, фарзандларимиз нима бўлади, илтимос, бир йўл топиб берінглар", деб дийдиё қилишади.

Оила қуриш савдосини етарли диний, дунёвий билимлар билан бошламаган кишиларнинг келажаги ҳавас қиларли даражада бўлмайди. Бу табиий. Янги қурилаётган оиланинг мутасаддилари – қуда андалар, тоға ва амакилар, аммахолалар, янгалар бу юмушнинг чорасини олдиндан кўриб қўйишлари, келин-куёв умр савдосини пухталик билан бошлашлари лозим.

"Биз ўзимизни бошқара оламиз, жинсий муомаладан эҳтиёт бўламиз", деб учрашувга чиқиш олов билан ўйнашгандек гап. Олов билан ўйнашган киши куйиб қолиши осон бўлганидек, хилватда қолган ёшларни шайтон йўлдан оздириши ҳам қийин эмас.

Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир гал саҳобаи киромларига: "Хотинларингиз билан қўшилганингиз учун ҳам ажр оласиз", деб марҳамат қилдилар. Саҳобалар сўрашди: "Ё Расулуллоҳ, ўз нафсимизни қондирсак ҳам ажр бериладими?". "Нафсингизни ҳаромдан қондирсангиз, гуноҳ ёзиладими?". "Ҳа", дейишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Демак, жуфти ҳалолингиз билан қўшилганингизга ҳам ажр оласиз", дедилар. Буни ёшлар ҳам, катталар ҳам билиб қўйиши лозим.

Келин-куёвларга талоқ илми, жинсий алоқадаги ҳаром ва ҳалол илми, ғусл, таҳорат, эр-хотиннинг бир биридаги ҳақлари ва бурчлари, оила тежамкорлиги ва ҳоказолар, албатта, тўй бўлишидан олдин ўргатилиши керак.

Қуръони Каримда "қайси қавм ўзини ўнгламаса, уларнинг аҳволини Аллоҳ ўзгартирмайди", мазмунли оят бор (Анфол, 53; Раъд, 11).

Миллатимизнинг умумий бахти, саодатли эртаси учун бугун ҳаракат қилишимиз керак, азизлар.

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,
Тошкент Ислом институти ўқитувчиси

Сўранг, жавоб берамиз

Мерос қачон очилади, шу ҳақида маълумот берсангиз?

Сиддиқжон Абдураҳмонов, Тошкент вилояти

Гулирух Ҳотамова, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, 2-давлат нотариал идораси нотариуси:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1116-1125 моддаларида меросга оид баъзи тушунчалар берилган.

Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган, деб эълон қилиниши оқибатида очилади.

Мерос қолдирувчининг ўлган куни (зарурат бўлган пайти ҳам), у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қарорида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт, деб ҳисобланади.

Агар биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир календарь сутка (йигирма тўрт соат) ичида вафот этган бўлсалар, улар бир вақтда вафот этган деб ҳисобланадилар, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка чақирилади.

БУ ЙИЛ ҚИШ ИЛИҚ КЕЛГАНИ БОИС ЕР МУЗЛАМАДИ. ҲАШОРАТ КЎП БЎЛДИ.

ПОМИДОР НЕГА ҚИММАТ?

Одатда август-сентябрь ойларида помидорнинг нархи анча арзонлашар, уй бекалари ҳам қишга консерва тайёрлашни айнан шу ойларда бошлар эди. Бироқ бу йил помидор қимматлашса қимматлашдики, нархи тушгани йўқ. Айни пайтда Тошкент шаҳридаги "Korzinka.uz", "Kasbino", "Sunday" сингари йирик супермаркетларда помидор 4000-5800 сўм, бозорларда эса 4-6минг сўмдан сотилмоқда. Тўғри, баъзан картошка, баъзида пиёз ёки сабзи қимматлашган йиллар бўлади. Бу йилнинг келиши билан боғлиқ бўлса керак. Лекин айни пишиқчилик мавсумида помидор бу даражада қимматлашганини кўрмаган эдим. Айтишларича, қандайдир касаллик туфайли бу йил помидор яхши бўлмаган эмиш. Шу ростми?

Нилуфар Умарова, уй бекаси
Юнусобод тумани

Очиғи, барча уй бекалари сингари мени ҳам бу савол ўйлантираётган эди. Арзонроқ нархда помидор сотиб олиш учун пойтахтимизнинг Қўйлиқ деҳқон бозорига тушганимда йўл-йўлакай шу масалага ҳам ойдинлик киритишга ҳаракат қилдим. Ўзини Нодира Асанова деб таништирган сотувчи аёл билан суҳбатлашдим.

– 13 йилдан бери деҳқончилик билан шуғулланаман, – деди Нодира опа. – Бу йилги ҳосилимиз кутганимиздек бўлмагани сабабли, сарф-харажатларимизни қоплаш мақсадида нархларни бир оз кўтардик. Биз оиламиз билан асосан помидор етиштирамиз. Помидорнинг "Пикпарадайс", "Темп", "Лужен", "Стаканчик", "Миробил", "ТМК", "888" каби навлари мавжуд. Помидор етиштиришнинг ўзига яраша машаққати бор. Чунки жуда инжиқ ўсимлик.

Помидорнинг уруғи аввал иссиқхонага экилиб, кўчат ҳолига келганда бошқа жойга кўчирилади. Ниҳоллар авж олганидан сўнг далага экилади. Уруғни 1-2 йил сақлаймиз. Помидорнинг баъзи бир навларидан уруғ олиб бўлмайди. Голландия, Хитойдан келтирилган навлар шунақа. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бўлса керак.

Бу йил қиш илиқ келгани боис ер музламади. Ҳашорат кўп бўлди. Бу нафақат помидорга, балки ҳамма мева ва сабзавотларга ўз таъсирини ўтказди. Эътибор қилган бўлсангиз, помидорнинг устида қора доғлари бор. Бу помидор куясининг иши. Бу ҳашорат помидорнинг ашаддий кушандаси. Биз уни йўқотиш учун тинимсиз ҳаракат қиляпмиз. Айрим харидорлар помидорни куя еган жойини кўриб, сотиб олишмаяпти. Аслида, бу хавфли эмас.

Ушбу ҳашорат билан ўтган йилдан бери курашяпмиз. Олимларимиз унга қарши бирор чора топишмаса, келаси йили аҳвол бундан ҳам ёмонроқ бўлиши мумкин.

Димёхон Аҳмедова, харидор:

– Бозорда сотилаётган помидорлар касалланганини эшитиб, сотиб олишга чўчиб қолдим. Аниғини билмадим-у, лекин қўшниларим "помидорга қурт тушган", дейишяпти. Очиғи, дастурхонимизда помидорнинг алоҳида ўрни бор. Уни хуш кўрмайдиган одам бўлмаса керак, лекин касалланган помидорнинг соғлигимизга таъсири ҳақида ҳеч нарса билмаймиз. Шу боис помидор емасак ҳам тинч ўтирайлик, деб ўйлаяпман.

Анвар Рихсиев, Қўйлиқ деҳқон бозори "Ветсанэкспертиза" лабораторияси мутахассиси:

– Бозорга сотиш учун олиб келинган ҳар бир маҳсулот лаборатория назоратидан ўтади. Шу жумладан, помидор ҳам. Агар эътибор берган бўлсангиз, помидорнинг баъзиларида қора доғлар бор. Аммо у инсон саломатлигига хавф туғдирмайди. Доғ тушган жойни кесиб ташлаб, рўзғорда фойдаланиш мумкин. Ахир, олманинг ҳам қурт еган жойини олиб ташлаб еймиз-ку! Шундай экан хавотирга ўрин йўқ!

Мирхалил Холдоров, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири, биология фанлари номзоди:

– Мамлакатимизда 2015 йилдан бери иссиқхона ва очиқ майдонларда помидор экинига янги зараркунанда помидор куяси (tuta absoluta) зарар келтира бошлади. Помидор куясининг ватани Жанубий Америка бўлиб, 1980 йилда ушбу минтақанинг ҳамма жойларида мавжудлиги аниқланган. Кейинги йилларда у Испания, Франция, Италия, Греция, Мальта, Марокаш, Жазоир, Ливия, Туркия, Сурия, Ливан, Иордания, Эрон, Миср, Судан, Эфиопия, Сенегал, Украина сингари мамлакатларда ҳам кенг тарқалиб кетди. 2010 йилнинг кузидан бошлаб Россияда ҳам тарқалгани аниқланди. Помидор куяси капалагининг яхши уча олиши, шамол ёрдамида узоқ масофаларга тарқалиши тезликда катта майдонларни зарарланишига сабаб бўлмоқда. Ушбу куя очиқ далаларда ва иссиқхоналардаги итузумгуллилар оиласига мансуб маданий (картошка, бақлажон, ширин қалампир) ва ёввойи экинларни зарарлайди. Унинг энг севимли экини помидор ўсимлиги бўлиб, ҳосилни 100 фоизгача нобуд қилиши мумкин. У ўсимликларни барча ривожланиш фазаларига зарар келтиради. Личинкаси барг, поя, гул ва меванинг ичига кириб олиб зиён етказади ва ўсимликлар нобуд бўлиш даражасига ҳам етади. Унинг тухуми жуда кичик (0,35мм), шакли цилиндрсимон, ранги сариқ. Урғочиси тухумларни алоҳида-алоҳида ёки гуруҳлаб қўяди. Тухумдан чиққан личинканинг ранги яшил, фақат бош қисми қора бўлади. Кейинчалик у қизғиш тусга киради. Личинканинг елка томонида биринчи кўкрак сегментида ярим юмалоқ қора доғ бор. Ана шу белгиси билан у картошка куясидан фарқ қилади. Вояга етган личинканинг узунлиги 9 мм, пилласининг узунлиги эса 6 мм. Капалаги қанотлари билан кўшиб ҳисоблаганда 10-12 мм. Капалакларининг озиқланмайди, бўлажак қуртлари учун озиқ манбаини излаб уёкдан-бу – ёққа учиб юради ва 10 кундан кўп яшамайди. Урғочиси ўсимликнинг юқорги қисмига тухум қўяди ва 4-6 кундан кейин улардан личинкалар чиқади. Личинкалар баргнинг ички қисмига кириб олиб озиқланади ва икки ҳафта давомида яшаб катта зарар келтиради. Қуртлари баргда ёки тупроқда ғумбаклашади. Икки ҳафтадан кейин улардан капалакларнинг янги авлоди чиқади. Помидор куяси ташқи муҳим шароитидан келиб чиқиб тухум, пилла ёки вояга етган личинка ҳолида қишлаши мумкин. Ушбу зараркунанданинг биологик потенциали жуда юқори бўлиб, 250-300 тагача тухум қўяди ва йил давомида 10-12 авлод беради. Бир авлоднинг ривожланиши 29-38 кун давом этади. Барг ва меванинг ичида яширин ҳаёт кечириши унга қарши курашишда фақат тизимли ва трасламинар препаратлардан фойдаланишни тақозо этади. Бугун помидор куясига қарши илмий изланишлар олиб борилмоқда. Биз умид қиламизки, бу муаммони бартараф этиш чораларини ўйлаб топамиз.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

- Помидор таркибида кучли антиоксидант – ликопин бор. Айнан шу модда организмни юрак қон-томир ва онкологик касалликлардан ҳимоя қилади. Ликопин помидордан кўра ундан тайёрланадиган маҳсулотларда кўп бўлади. Помидор қайнагани ёки буғда пиширилгани сари ундаги ликопин ортиб боради. Масалан, томат пастасида унинг миқдори сабзавотдагига қараганда бир ярим баравар кўп.
- Помидор органик кислоталарга бой.
- Помидор истеъмол қилган кишининг кайфияти кўтарилиб, турли асабийлашиш ва тушкунлик ҳолатларига қарши курашиш қобилияти ошади. Бунга сабаб унинг таркибида "бахт гормони" – серотин моддасининг мавжудлигидир.
- Помидор ҳазм қилиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, меъда ширраси кислотаси етишмаслиги ва гастрит билан оғриган беморларга у ниҳоятда шифобахш ва фойдали.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан "UMID TRANS BIZNES" МЧЖ га Йўловчиларни шаҳарда ташиш ҳуқуқини берувчи АТ № 0001866 рақамли лицензияга асосан берилган АТ серияли №0096368 АТ № 0096773 лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оила ва жамият
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета
Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Лукмонов

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.
Қабулхона: (факс)
233-28-20, Котибият:
233-04-35, 234-76-08
E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1036. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 3726. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00
Бош навбатчи: Н. Нуриддинова
Навбатчи: К. Адашбоева
Мусаҳҳиҳ: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ISSN 2010-7609
12345

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.